

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2025 йил март ойининг 27 куни, жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар суди, суд биносида, очик суд мажлисида, судья Ж.М.Тожиевнинг раислигида, судья ёрдамчиси Ш.Норбаевнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Бухоро шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси Ж.Тошов, жабрланувчининг қонуний вакили А.Сатторовнинг иштирокида, судланувчи Бакоева Гузал Дамировнага нисбатан 1-2001-2502/153-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Бакоева Гузал Дамировна /Bakoyeva Guzal Damirovna/ – 01.03.1985 йилда Бухоро шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, бева, 3 нафар фарзанди бор, муқаддам жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар судининг 11.01.2012 йилда ажримига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “а” банди билан жиноят иши Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 05.12.2011 йилдаги “...амнистия тўғрисида”ги Қарорининг 7-бандига асосан тугатилган, яқка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланади, Бухоро шаҳар “Навоий шох” кўчаси 33/1-уй 54-хонадонда яшайди, иш бўйича “муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 25.12.2024 йилда олган,

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 169-моддаси 1-қисми билан айбланган.

Суд судланувчи, қонуний вакил ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Бакоева Гузал Дамировна ўзганинг мол-мулкини яшириш равишда талон-торож қилиш йўли билан текин бойлик орттириш мақсадида, 2024 йил 22 сентябрь куни соат 08:25.ларда Бухоро шаҳар “Пойиостона” кўчаси, 1-уйдаги “Мерос” меҳмонхонасида фаррош бўлиб ишлаётганидан фойдаланиб, меҳмонлар учун мўлжалланган 204-рақамли хонага кириб, ҳеч ким йуклигидан фойдаланиб, Швецария давлати фуқароси Бучел Даниел Степханга тегишли бўлган “Фрейтаг” номли портфельдан 1.000 000 сўм ва 1.700 АҚШ доллари (1 АҚШ доллар 12.710 Ўзбекистон сўми тенг 30.09.2024 йил ҳолатига кўра)ни



яширин равишда талон-торож қилиб, жабрланувчига 22.607.000 сўм миқдордаги моддий зарар етказган.

Судланувчи Бакоева Гузал Дамировна суд мажлисида айбига иқроф эмаслигини билдириб, у 2024 йил август ойида у Бухоро шаҳар “Пойиостона” кўчасида жойлашган “Мерос” меҳмонхонасида хизматчи лавозимига ишга кирганлигини, унинг хизмат вазифасига меҳмонхонадаги меҳмонларнинг хонасини, даҳлиз ва кўчаларни тозалаб чиқишдан иборатлигини, 2024 йил 22 сентябрь куни соат тахминан 8.00.ларда ишга келганлигини, дастлаб ташқаридаги ишларни бажарганидан сўнг меҳмонхонанинг 204-хонасига менежер С.Ходжаеванинг топшириғига асосан Швецария фуқароларининг ювилиб дазмолланган кийимларини киритиб қўйиш учун администратор олдида турган калитни олиб, соат тахминан 8:30.ларда ушбу хонага кирганлигини, меҳмонларнинг кийимларини хонанинг ўртасида турган диваннинг устига қўйиб, хонадан чиқаётган вақтида стол устида 5 дона 100.000 сўмлик купюраларни ва уни олдида “thank you” ёзувли қоғозчани кўриб, меҳмон томонидан ушбу 500.000 сўм миннатдорчилик эвазига (чаявые сифатида) қолдирилганлигини тушуниб, ушбу пулларни ўзи билан олиб чиққанлигини, лекин бошқа ишлар билан бўлиб, ушбу пуллар ҳақида меҳмонхона эгаларига айта олмаганлигини, шу куни соат тахминан 9-10.лар атрофида Швецария фуқаролари хонадан чиқиб кетганликларини, орадан чамаси бир соатларча вақт ўтиб С.Ходжаева уни чақириб, 204-хонадаги меҳмонларнинг хонасидан 1.000.000 сўм ва 1.700 АҚШ доллари пул йўқолганлигини, хонага кирган кирмаганлигини, пулларни кўрган кўрмаганлигини сўраганлигини, шунда у ушбу хонага меҳмонларнинг ювилган кийимларини киритиб қўйганлигини, стол устида миннатдорчилик сифатида қўйилган 500.000 сўм пулларни олганлигини, бошқа пулларни олмаганлигини айтганлигини, ҳақиқатдан ҳам у хона калитини қайтариб жойига қўйган вақтида администратор бўлмаганлигини, у хонада меҳмонларнинг ҳамёнини кўрмаганлигини, у уларнинг 1.000.000 сўм ва 1.700 АҚШ долларини ўғирлаб олмаганлигини, С.Ходжаева ва бошқалар унинг ҳамёнини кўздан кечирганларида 200.000 сўмдан ортиқроқ пуллари бўлганлигини, меҳмонхонадан олган 500.000 сўм пуллар эса ҳамёнинг бошқа жойида бўлганлиги сабабли улар уни кўрмаганликларини, у “thank you” ёзувли қоғозчани қаерга ташлаганлигини эслай олмаганлиги сабабли уни топиб бера олмаганлигини, у кўчага турмуш ўртоғи учун фақат егулик олиб чиққанлигини, унинг меҳмонхонанинг хоналарига кириш ҳуқуқи борлигини билдириб, унга нисбатан адолатли қарор қабул қилишни сўраб кўрсатув берди.

Жабрланувчининг қонуний вакили Сатторов Азизбек Латипович суд мажлисида, у 2024 йил апрель ойидан буён Бухоро шаҳридаги “Мерос” номли меҳмонхонада раҳбар сифатида фаолият юритиб келишини, Г.Бакоевани 2024 йил август ойининг охирида кунлик 90.000 сўмдан иш ҳақи бериш шарти билан ишга олганлигини, 2024 йил 22 сентябрь куни тахминан соат 10:00.лар атрофида меҳмонхона меҳмонлари ҳисобланган швецариялик Даниел ва Анна Бучеллар саёҳатлари тугаганлигини айтишиб, меҳмонхонадан чиқиб кетганликларини, орадан тахминан бир соатларча ўтиб, улар меҳмонхонага



яна қайтиб келишиб, нонушта вақтида хонада қолдириб кетилган ҳамёнларидан 1.000.000 сўм ва 1.700 АҚШ доллари йўқолганлигини, уни ёқилғи қуйиш шоҳобчасида билиб қолиб, орқага қайтиб келганликларини, пулларни ким олганлигини аниқлаб, уни топиб беришга ёрдам сўраганликларини, у ҳамёндаги пулларини охириги маротаба 2024 йил 22 сентябрь куни эрталаб, нонуштадан олдин санаганлигини ва тахминан 40 дақиқалар нонуштага тушганлигини, шу вақт оралиғида кимдир кириб олган бўлиши мумкинлигини билдирганлигини, шундан сўнг у меҳмонхона ходимларидан ушбу 204-сонли хонага ким кирганлигини сўраганлигини, шунда Г.Бакоева хонага ювилган кийимларни олиб кириб қўйганлигини, лекин пулларни кўрмаганлигини айтганлигини, шундан сўнг улар меҳмонхонадаги видеокузатув ёзувларини кўрганларида, Г.Бакоева эрталаб соат 8:30.лар атрофида ушбу 204-хонага кириб, хонада 3 дақиқа давомида қолиб, кейин чиқиб кетганлиги, орадан биров вақт ўтиб, меҳмонхонанинг олдида яшил рангли Спарк автомашинасида Г.Бакоеванинг таниши келганлигини, шунда Г.Бакоева автомашинага бориб ўтириб, ичида бир дақиқаларча қолганлигини, сўнгра автомашина кетганлиги кўринганлигини, шунда Г.Бакоевадан хонада 3 дақиқача нима қилганлиги сўралганида, у тепага чиқиб, пардаларни тузатганлигини айтганлигини, шундан сўнг турмуш ўртоғи С.Ходжаева аёл турист билан бирга ертўлада Гўзал исмли ишчи ходимни чақириб, унинг ҳамёни кўздан кечирилганида, унинг ҳамёнидан бир дона юз минг сўмлик ва бир нечта икки минг сўмлик, бир дона беш минг сўмлик каби майда пуллар бўлганлигини, туристлар ишни ҳал қилиш учун туризм полициясини чақириб айтганлигини, шу вақтда Г.Бакоева унга туристларнинг пулини бериб юборишни, сўнгра унинг маошидан сақлаб қолишини айтганлигини, шу орада туризм полицияси келиб, суриштирув олиб борганлигини, турист Даниев Бучел у банкоматдан пулларини 100.000 сўмликка алмаштириб олганлигини, пулларни коди банкда маълумлигини, ушбу пуллар билан Г.Бакоеванинг пулини солиштиришни айтганида, Г.Бакоева стол устидан миннатдорчилик сифатида қолдирилган 500.000 сўмни олганлигини айтганлигини, лекин Даниел Бучел ва унинг рафиқаси стол устига миннатдорчилик учун ҳеч қандай пул қўймаганлигини айтганлигини, Г.Бакоева уларнинг рухсатсиз меҳмонларнинг хонасига кириши мумкин бўлмаганлигини, унинг хонага киришига у ҳам, турмуш ўртоғи ҳам рухсат бермаганлигини билдириб, туристлар ИИБга ариза билан мурожаат қилганликлари сабабли ҳамда меҳмонхонанинг нуфузини ўйлаб, у меҳмонларга ўз ҳисобидан 1.000.000 сўм ва 1.700 АҚШ долларини тўлаб берганлигини, ушбу пулларни судланувчидан ундириб бериб, унга нисбатан қонун доирасида жазо тайинлашни сўраб кўрсатув берди.

Гувоҳ Ходжаева Ситора Шавкатовна суд мажлисида 2024 йил 20 сентябрь куни меҳмонхонага Даниел Бучел ва унинг рафиқаси Анна Бучеллар келиб, 204-хонага жойлашганликларини, 2024 йил 22 сентябрь куни тахминан соат 10:00.лар атрофида меҳмонхона меҳмонлари ҳисобланган швецариялик Даниел ва Анна Бучеллар саёҳатлари тугаганлигини айтишиб, меҳмонхонадан чиқиб кетганликларини, орадан тахминан бир соатларча вақт ўтиб, улар меҳмонхонага яна қайтиб келишиб, нонушта вақтида хонада



қолдириб кетилган ҳамёнларидан 1.000.000 сўм ва 1.700 АҚШ доллари йўқолганлигини, уни ёқилғи қуйиш шоҳобчасида билиб қолиб, орқага қайтиб келганликларини, пулларни ким олганлигини аниқлаб, уни топиб беришга ёрдам сўраганликларини, у ҳамёндаги пулларини охириги маротаба 2024 йил 22 сентябрь куни эрталаб, нонуштадан олдин санаганлигини ва тахминан 40 дақиқалар нонуштага тушганлигини, шу вақт оралиғида кимдир кириб олган бўлиши мумкинлигини билдирганлигини, шундан сўнг у меҳмонхона ходимларидан, ушбу 204-сонли хонага ким кирганлигини сўраганлигини, шунда Г.Бакоева ювилган кийимларни олиб кириб қўйганлигини, лекин пулларни кўрмаганлигини айтганлигини, шундан сўнг улар меҳмонхонадаги видеокузатув ёзувларини кўрганларида, Г.Бакоева эрталаб соат 8:30.лар атрофида ушбу 204-хонага кириб, хонада 3 дақиқа давомида қолиб, кейин чиқиб кетганлиги, шунда Г.Бакоева пулларни олмаганлигини, хонага уларнинг кийимларини киритиб қўйиш учун кирганлигини айтганидан сўнг, Гўзал исмли ишчини чақириб, унинг ҳамёнини текширганларида, унинг ҳамёнида бир дона юз минг сўмлик, бир дона беш минг сўмлик ва бир нечта икки минг сўмлик пуллар борлигига гувоҳ бўлганлигини, у Г.Бакоевага охириги маротаба 14 сентябрь куни жами 310.000 сўм миқдоридаги 10.000 сўмлик купюрадаги пулларни берганлигини, унда 100.000 сўмлик бўлмаганлигини, ички ишлар биносига борганидан сўнг унда ушбу 500.000 сўм пуллар пайдо бўлганлигини, у ушбу пулларни стол устидан миннатдорчилик эвазига қолдирилганлиги учун олганлигини айтганлигини, у шу куни Г.Бакоеванинг таниши Спарк автомашинасида келиб меҳмонхона олдида уни машинага ўтқазиб, гаплашиб ўтирганлигини ҳам гувоҳи бўлганлигини, ўша куни у Г.Бакоевага меҳмонларнинг кийимларини хонага киритиб қўйишни ва ушбу хонага киришини айтмаганлигини, у хонага ҳеч кимдан сўрамасдан, администратор йўқлигида калитни олиб, ўзбошимчалик билан кирганлигини, у меҳмонлар нонушта қилаётганликларини атайлаб кузатиб, кейин хонага кирганлигини ва уларнинг ўша куни кетишларини билганлигини, аслида меҳмонлар 100.000 сўмдан ортиқ миннатдорчилик пулларини қолдирмасликларини, миннатдорчилик сифатида қолдирилган ҳар қандай пуллар тўғрисида улар хабардор қилинишларини, Г.Бакоева ёлғон кўрсатув бераётганлигини, турмуш ўртоғи меҳмонларга ўз ҳисобидан ушбу пулларни тўлаб берганлигини билдириб кўрсатув берди.

Гувоҳ Бекберганов Миразиз Мавлонович суд мажлисида гувоҳ С.Ходжаеванинг кўрсатувиغا ўхшаш кўрсатув берди.

Судланувчи Г.Бакоеванинг айби судда сўралган жабрланувчининг қонуний ва қили ва гувоҳларнинг кўрсатувлари, Д.Бучелнинг аризаси, нарсани кўздан кечириш ва олиш ҳақида баённома (и.в. 17), ҳодиса жойини кўздан кечириш баённомаси ва унга илова қилинган фотосуратлар (и.в. 23-27), юзлаштириш баённомаси (и.в. 79-81), ашёвий далиллар ва иш бўйича тўпланган бошқа ҳужжатлар билан тўлиқ ўз тасдиғини топган.

Суд судланувчи Г.Бакоеванинг ўзганинг мулкани яширин равишда талон-торож қилганликдаги жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.



Гарчи, судланувчи Г.Бакоева суд мажлисида айбига иқрорлик билдирмасдан, у 204-хонада меҳмонларнинг ҳамёинини кўрмаганлигини, у уларнинг 1.000.000 сўм ва 1.700 АҚШ долларини ўғирлаб олмаганлигини, С.Ходжаева ва бошқалар унинг ҳамёинини кўздан кечирганларида 200.000 сўмдан ортиқроқ пуллари бўлганлигини, меҳмонхонадан олган 500.000 сўм пуллар эса ҳамённинг бошқа жойида бўлганлиги сабабли улар уни кўрмаганликларини, у “thank you” ёзувли қоғозчани қаерга ташлаганлигини эслай олмаганлиги сабабли уни топиб бера олмаганлигини, унинг меҳмонхонанинг хоналарига кириш ҳуқуқи борлигини билдириб кўрсатув берган бўлсада, суд иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ҳамда далилларга баҳо бериб, унинг ушбу кўрсатувларини жавобгарликдан қутулиб қолиш ёки айбини енгиллаштириш мақсадида келтирилган важлар сифатида баҳолаб, унинг ушбу важларини судда сўралган қонуний вакил ва гувоҳларнинг кўрсатувлари, суд терговда ўзиб эшиттирилган жабрланувчиларнинг кўрсатувлари билан, нарсани кўздан кечириш ва олиш ҳақида баённома, ҳодиса жойини кўздан кечириш баённомаси ва унга илова қилинган фотосуратлар, юзлаштириш баённомаси ва ашёвий далиллар билан тўлиқ рад қилинади.

Ваҳоланки, судда сўралган қонуний вакил А.Сатторов ва С.Ходжаевалар “Г.Бакоева пулларни олмаганлигини, хонага уларнинг кийимларини киритиб қўйиш учун кирганлигини айтганидан сўнг, Гўзал исмли ишчини чақириб, унинг ҳамёинини текширганларида, унинг ҳамёнида бир дона юз минг сўмлик, бир дона беш минг сўмлик ва бир нечта икки минг сўмлик пуллар борлигига гувоҳ бўлганлигини, у Г.Бакоевага охириги маротоба 14 сентябрь куни жами 310.000 сўм миқдоридаги 10.000 сўмлик купюрадаги пулларни берганлигини, унда 100.000 сўмлик бўлмаганлигини, ички ишлар биносига борганидан сўнг у ушбу 500.000 сўм пуллар пайдо бўлганлигини, у ушбу пулларни стол устидан миннатдорчилик эвазига қолдирилганлиги учун олганлигини айтганлигини, у шу куни Г.Бакоеванинг таниши Спарк автомашинасида келиб меҳмонхона олдида уни машинага ўтқазиб, гаплашиб ўтирганлигини ҳам гувоҳи бўлганлигини, ўша куни у Г.Бакоевага меҳмонларнинг кийимларини хонага киритиб қўйишни ва ушбу хонага киришини айтмаганлигини, у хонага ҳеч кимдан сўрамасдан, администратор йўқлигида калитни олиб, ўзбошимчалик билан кирганлигини, у меҳмонлар нонушта қилаётганликларини атайлаб кузатиб, кейин хонага кирганлигини ва уларнинг ўша куни кетишларини билганлигини, аслида меҳмонлар 100.000 сўмдан ортиқ миннатдорчилик пуллари қолдирмасликларини, миннатдорчилик сифатида қолдирилган ҳар қандай пуллар тўғрисида улар хабардор қилинишларини” билдирдилар;

Шунингдек, кўрсатувлари судда ўқиб эшиттирилган ва дастлабки терговда кўрсатув берган Даниел Бучел ва Анна Бучеллар ўз кўрсатувларида “2024 йил 22 сентябрь куни эрталаб тахминан 07:00.ларда уйғониб бадан тарбия қилиб, нонуштага соат 08:15.ларда ертўлада нонуштага чиққанликларини, нонуштада меҳмонлар билан гаплашиб бир соат қолиб кетганлигини, меҳмонхонанинг 204-хонасидан нонуштадан сўнг барча нарсаларни олиб, соат тахминан 10:00.ларда нарсаларини йиғиштириб, чиқиб



кетганликларини, улар пулларининг йўқолганлигини ёқилғи қуйиш шохобчасида тўлов қилаётганларида билганликларини, 1 миллион сўм ва 1.700 АҚШ доллари миқдоридаги пуллари йўқолганлигини, шунда дарҳол меҳмонхонага келиб, меҳмонхона менежери аёл киши билан пуллари йўқолганлигини гаплашиб олганлигини, улар билан бирга 204-хонани бирга кўрганликларини ва автомашинани ҳам кўздан кечирганликларини, пуллар чиқмаганидан сўнг улар бориб камераларни кўришганларида бир аёл охири маротаба кирганлигини, у аёл унинг хонасига ҳеч кимнинг рухсатисиз кириб, кийимларини қўйиб кетганлигини, у миннатдорчилик сифатида ҳеч қандай пулларни қолдирмаганлигини” билдирган.

Шунингдек, Даниел Бучел билан Г.Бакоевнинг ўрталарида ўтказилган юзлаштириш жараёнида ҳам Д.Бучел ушбу кўрсатмаларини таъкидлаган.

Юқоридаги асосларга кўра, суд Г.Бакоевнинг жиноий қилмиши суд тергови жараёнида тўлиқ ўз исботини топди деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасида “Шахсга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклигини инобатга олишлари зарур.

Бунда ҳуқуқбузарлик содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни ҳуқуқбузарликнинг оғир энгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши керак”лиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 7-моддасида “Жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари жисмоний азоб бериш ёки инсон қадр-қимматини камситиш мақсадини кўзламайди.

Жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этилишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши керак.

Жазолашдан кўзланган мақсадга ушбу Кодекс Махсус қисмининг тегишли моддаларида назарда тутилган энгилроқ чораларни қўллаш орқали эришиб бўлмайдиган тақдирдагина оғирроқ жазо чоралари тайинланиши мумкин”лиги қайд этилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 03.02.2006 йилдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 3-бандида жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятни хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони энгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги” ҳақида тушунтириш берилган.

Суд, юқорида қайд қилинган Қонун талаби ва Пленум қарори тушунтиришларидан келиб чиқиб, судланувчи Г.Бакоевага нисбатан жазо тури ва миқдорини тайинлашда унинг оилавий аҳолини, қарамоғида 3 нафар вояга етмаган фарзандлари борлигини энгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида эътироф этиб, шу билан бирга қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражасини, унинг қилмиши Ўзбекистоннинг туризм жозибадорлигига путур етказиши мумкинлигини, жабрланувчининг қонуний вакилига етказилган зарарлар қопланмаганлигини, унинг судланувчига нисбатан даъвоси борлигини



инобатга олиб, унга у айбланаётган Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 1-қисми билан модда санкцияси доирасида озодликни чеклаш жазоси тайинлашни ҳамда унга нисбатан ўрнатиладиган тақиқларга унинг меҳмонхоналар ва ҳостелларда ишлаши чекловини ўрнатишни лозим топди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2016 йил 27 декабрдаги “Жиноят натижасида етказилган мулкий зиённи қоплашга оид қонунчиликни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 26-сонли қарорининг 2-бандида жиноят натижасида етказилган мулкий зиённи қоплаш масалаларини ҳал этиш чоғида судлар нафақат жиноят процессуал қонунчилиги (ЖПКнинг бешинчи бўлими), балки фуқаролик, меҳнат ва бошқа қонунчилик нормаларига ҳам (ЖПКнинг 281-моддаси) амал қилишлари лозимлиги, 10-бандида эса жиноят натижасида етказилган моддий зарарни ундириш масаласини ҳал этишда мол-мулкнинг ҳукм чиқарилган кундаги қийматидан келиб чиқиши лозимлиги тўғрисида тушунтириш берилган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 985-моддасига биноан ғайриқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик) туфайли фуқаронинг шахсига ёки мол-мулкига етказилган зарар, шунингдек юридик шахсга етказилган зарар, шу жумладан бой берилган фойда зарарни етказган шахс томонидан тўлиқ ҳажмда қопланиши лозим. Шу билан бирга, ФКнинг 14-моддасига кўра, зарар деганда шахс ўз ҳуқуқлари бузилмаганда одатдаги фуқаролик муомаласи шароитида олиши мумкин бўлган, лекин ололмайд қолган даромадлари (бой берилган фойда) тушунилиши кўрсатилган.

Суд, қайд қилинган Пленум қарори тушунтиришидан келиб чиқиб, бугунги кунда 1 (бир) АҚШ долларининг қиймати 12.885,0 сўм эканлигини инобатга олиб, ҳукм қонуний кучга киргач судланувчи Г.Бакоевадан жабрланувчининг қонуний вкили А.Сатторовнинг фойдасига 285.000 сўм ва $1.700 \times 12.885,0 = 21.904.500$ сўм жами бўлиб, 22.189.500 сўм ундиришни белгилашни лозим топди.

Суд, ашёвий далил сифатида эътироф этилган ДВД дискни жиноят иши ҳужжатларига қўшилганлигини инобатга олишни ҳамда ҳукм қонуний кучга киргач, Марказий банк Бухоро вилоят филиалига топширилган 715.000 сўм пул маблағларини А.Сатторовнинг фойдасига ундиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 421,454-457, 462-463, 465-468, 471, 497¹-497⁴-моддаларини қўллаб, суд

ҲУКМ ҚИЛДИ:

Бакоева Гузал Дамировна /Bakoyeva Guzal Damirovna/ Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Бакоева Гузал Дамировнага Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 1-қисми билан унинг ишлаш ва ишга бориб келиш вақтидан ташқари яшаш жойи ҳисобланган Бухоро шаҳар “Навоий шоҳ” кўчаси 33/1-уй, 54-хонадондан чиқишини чеклаган ҳолда 2 /икки/ йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.



Бакоева Гузал Дамировнанинг зиммасига қуйидаги қўшимча тақик /чеклаш/лар юклатилсин:

- кафе, бар ва ресторанларга бормаслик;
- ўз хонадонидан ташқари тўй ва туғилган кунларда иштирок этмаслик;
- меҳмонхона ва хостелларда ишламаслик;
- ИИБнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик;
- Бухоро вилояти ҳудудидан ташқарига чиқмаслик.

Озодликни чеклаш жазосининг ўташ муддати ҳукм жазоларни ижро этиш инспекциясида ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Озодликни чеклаш жазосини ижро қилиш Бухоро шаҳар ИИО ФМБ Пробация бўлинмаси зиммасига юклатилсин.

Ҳукм қонуний кучга киргач Г.Бакоевага нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат” эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Ҳукм қонуний кучга киргач судланувчи Г.Бакоевадан қонуний вакил А.Сатторовнинг фойдасига 22.189.500 сўм ундирилсин.

Ашёвий далил сифатида эътироф этилган ДВД диск жиноят иши ҳужжатларига қўшилганлиги инобатга олинсин ҳамда ҳукм қонуний кучга киргач, Марказий банк Бухоро вилоят филиалига топширилган 715.000 сўм пул маблағлари А.Сатторовнинг фойдасига ундирилсин.

Ҳукмдан норози томон ҳукм эълон қилинган кундан 10 /ўн/ сутка ичида, судланувчи ва қонуний вакилга ҳукм нусхаси топширилган кундан эътиборан шу муддат ичида жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар суди орқали Бухоро вилоят судининг апелляция инстанциясига апелляция тартибида ёки ҳукм қонуний кучга киргач кассация тартибида шикоят беришга, прокурор эса протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи

Ж.Тожиев

Нусхаси аслига тўғри.

